



O'ZBEKISTON O'ZOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Shu aziz Vatan — barchamizniki

• 2008-yil • 29-mart • Shanba • 42 (27.847) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«... фарзандлари-мизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак».

Президент Ислон Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи

икки томонлама муносабатлар ривожидангидан янги давр муқаддимаси бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи ҳаётнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, академик, таҳлил ва дипломатия доираларида, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.

Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширган илк расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги давр очгани ҳақида яқдил фикр билдирмоқда.

Саудия Арабистонидан араб тилида чоп этилувчи нуфузли «Ал-Жазира» газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Абу-Дабидаги ташрифи доирасида Ўзбекистон ва БАА ўртасида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди» сарлавҳали мақолани эълон қилди.

Унда юртимизнинг араб дунёси билан алоқалари изчиллик билан ривожланиб бораётгани ва бу йўналишда БАА муҳим ўрин эгаллаш хабар қилинган. Мақола муаллифининг фикрича, гарчи географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлса-да, ҳар икки мамлакатни умумий тарихий ил-дизлар бирлаштириб туради. Яқинда Абу-Дабида Ўзбекистон

Республикаси элчихонасининг очилиши томонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламини кенгайтиришдан далолатидир.

Мақолада таъкидланганидек, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти Ўзбекистонни Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат деб билади. Ўз навбатида, БАА Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини минтақасидаги асосий савдо шеригидир. Сиёсий, иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, хавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши бўлиб келмоқда. Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам яқин алоқалар ўрнатилган.

Мақолада шунингдек, Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва сув хўжалиги соҳаларида қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётгани хусусида маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БААга ташрифи давлатлараро муносабатларни фаллаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлиши шубҳасиздир, — дея қайд этилади мақола якунида.

«Ал-Халиж» газетаси (БАА) «Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қизиқиш билдираётганини таъкидлади» номли мақолани чоп этди. Унда олиқ даражада бўлиб ўтган музокаралар жараёни ва яқунлари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида эришилган келишувлар кенг ёритилган.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 28 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага (Тошкент, 1992 йил 15 май) қўшилиши ҳақида»ги Қонуни, шунингдек, мамлакатимизнинг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотини аъзоларига тикланиши билан боғлиқ бошқа бир қатор халқаро битимларни қўриб чиқди. Бунда шу нарса қайд этиб ўтилдики, мамлакатимизнинг ана шу ҳужжатларга қўшилиши тинчлик ва барқарорлиқни, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети самарали тарзда ҳимоя этилишига ёрдам беради. Мазкур битимларни ратификация қилиш қарори Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқидан келиб чиқади ҳамда Конституциямизнинг 17-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлисининг юқори палатаси мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қиритилган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларида таққиллаш ва йўқ қилишга доир шунингдек қоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам қўриб чиқди ва маъқуллади. Мамлакатимизнинг Халқаро меҳнат ташкилотини Бош Конференциясининг 58 ва 87-сессияларида шу нуфузли халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган мазкур конвенцияларга қўшилиши давлатимизнинг болалар ҳамда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлашга, уларнинг ҳар тарафлама ва тўлақонли камол топиши учун зарур ижтимоий, иқтисодий ва бошқа йўналишдаги шароитлар яратишга қаратилган изчил сиёсатининг ифодасидир. Сенатнинг шу ялпи мажлисида маъқулланган «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақо-

миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида»ги Қонун бунга яққол мисолдир. Унда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва бундай жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мудоасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар қиритиш назарда тутилган.

Ялпи мажлис ишида давлат инвестиция ва божхона сиёсатининг ҳуқуқий базасини тақомиллаштирувчи қонунларни қўриб чиқиш муҳим ўрин тутди. Шундай қонунлардан бири «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар қиритиш тўғрисида»ги Қонун бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 6 декабрда қабул қилган «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб қирладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартибини тўғрисида»ги Қарор асосида ишлаб чиқилган. Сўзга чиққанлар томонидан қайд этилганидек, ушбу Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун замонавий технологиялар ва ускуналарни, уларнинг бутловчи қисмларини, шунингдек, хомаш ва материалларни олиб қирлаётган чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллаш тартибига солашдан иборат. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни 33-моддасига ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни 12-моддасига ўзгартишлар қиритилмоқда, мазкур ўзгартишлар чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб қирладиган мол-мулкни бож ундиришдан озод қилишга доир имтиёзни қўллаш тартибини тақомиллаштирмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП: устувор вазифалар

Ушбу фикр ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан партия минтақавий кенгашлари раислари мафкураларини ишлар бўйича ўринбосарларининг «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш шароитида Ўзбекистон ХДПнинг асосий мафкураларини йўналишлари» мавзусидаги давра суҳбатида алоҳида қайд этилди.

Сиёсий куч мафкураси

унинг фаолияти самарадорлигини таъминлашда асосий омилдир

Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қирлиши тизимидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонуннинг қуча қирлиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қирлиш борасидаги ишларни муҳим босқичга олиб чиқди. Сиёсий партия ўз мақсадларига изчиллик билан эришиши, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириши, аҳоли хоҳиш-иродасини ифода этиши, марказда

ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиши борасида мустақам ҳуқуқий майдон юзага келди. Бу эса сиёсий қуч Дастурида белгиланган қирларни ҳаётга таъбиқ этиш борасидаги имкониятларини кенгайтиради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам партия мафкураларини принципларини тақомиллаштириш, электоратининг ижтимоий таркиби, манфаатларини ёрқинроқ акс эт-

тириш, дастурий ҳужжатларни бугунги даврга мос, конструктив тарзда қайта қирлиб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратяпти. Аҳолининг тобора ўсиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги, партия электоратининг талабчанлиги ҳам шунга даъват этмоқда.

Давра суҳбатида иштирок этган ЎзХДП фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, эксперт-

лар ана шу масалалар хусусида атрофича фикрлашди. Партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши, халқ ишончига қирлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

2-бет



Абдирови ХАЙДАРОВ олган сурат

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида ўтган давра суҳбати тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ёшларда мафкураларини иммунитетни мустаҳкамлаш ва бу жараёнда партия матбуоти имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун сиёсий партиялар учун яратган кенг имкониятлар, ваколатлар партия ташкилотлари ва

нашрлари зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди. Партия нашрларида тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тақдирлар билдирилди.

Шунингдек, учрашув иштирокчилари — ЎзХДП фаоллари, минтақавий партия кенгашларининг мафкураларини масалалар бўйича ўринбосарлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари газеталарнинг иш жараёни, режалари билан танишди.

Суратда: давра суҳбати қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йукунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни қучураштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, юртимизда хизматлар, айниқса, транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ташқи савдо юкларини ташвиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлақларини очиб, республикамиз транзит салоҳиятини янада юксалтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юклар транзитини учун мамлакатимизда яратилган қулай ҳуқуқий шароит минтақамизда юклар оқимини қўлайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти турли тармоқларининг ривожланишини тезлаштирувчи муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қирлиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистоннинг транзит салоҳия-

тини янада юксалтиришнинг асосий сифатида юклар транзитига доир қонунчилик базасини тақомиллаштиришга бағишланган давра суҳбатида шулар ҳақида гап борди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, юкларни ташувчи, жўнатувчи ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоқларини янада тақомиллаштириш,


транзит ва автомобилда халқаро ташишлар рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигини таъминлайдиган яхлит, қўп тармоқли ва ташқи йўللарга боғланган транспорт маконини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон транспорт тизимига уйғунлашув учун зарур бўлган халқаро магистрал йўллари янада замонавийлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Транспортнинг барча турларида юкларни транзит ташиш ҳажми кейинги 7 йилда қарийб 200 баравар ўсди.

Тадбирда ушбу соҳага оид қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш, хусусан, юклар транзити борасидаги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

(ЎЗА)

«Истиқлол олмаси»



...бу кашфийетни амалга ошириш осон кечмади. Ўн йиллар давомидаги изланиш ва қаттиқ меҳнат ниҳоят, ўз мевасини берди!

...Пайриқлик Эркин Эшматов ва Бахтиёр Рўзиқуловлар ҳар иккиси ҳам мактабда муаллим. Бири биологидан, иккинчиси эса математикадан дарс беради. Шогирду ўқувчилари орасида обрўлари баланд. Фақат...

Бўш пайт бўлди дегунча, иккаласи ҳам томорқада, боғда кетмон чопишади. Билганлар «ҳа, оталарига ўхшаб меҳнаткашда булар» дейишса, айримлар эса «нима зарил экан-а жонларини қийнаб?» — деб қийишади. Улар эса бундай гап-сўзларга парво қилишмайди.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Ғарбда — қиш, шарқда — ёз

Баҳор бошланганига қарамай, қаерда баҳору қаерда қиш, тушуниб бўлмаёпти. Европага қиш энди кириб келаётган бўлса, Сибирда ҳаво ҳарорати +15 даражага кўтарилди...


Сўнгги ўн йил мобайнида иқлимшуносларнинг ҳавотирли баҳорати чинга ўхшаб бораёпти: ҳаво ўзини ўзи иситиб юборяпти. Аниқроғи, мутахассислар «углий қислий газ» деб атайдиган зарарли газ қислород миқдорини ютиб, ернинг исига олиб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳаво исиги бундан буён тезлашиб бораверади. «Об-ҳаводек айнидди» деган иборани «об-ҳаводек тез айнидди» деб ўзгартириш мавриди келди чоғи. Зеро, бутун дунё бўйлаб ноода-тиш тез совигиш ва аксинча, қўтилмаганда исиги юз бермоқда. Россиянинг Краснодар ҳудудига кундузи +1 даража иссиқ бўлиши ва эртасига +18 га кўтарилиши одатий ҳолга айланмоқда. Байкалортида 21,5 гектар ҳудудда ёнгин юз берди. Москваликлар эса ҳарорат ўтган йилга нисбатан 2 даража кўтарилганига гувоҳ бўлишди. Россия гидрометеобюроси бу ойда ҳарорат яна кўтарилишини хабар қилган.

Европада эса айни вақт қиш авжига чиқди. Жанубий ҳаво оқимининг кучайиши натижасида Европа жануби ва жануби-шарқи қор остида қолди. Қишнинг қайтишини биринчи бўлиб Британия ороллари қўтиб олди. Шотландияда март ойининг ўртасида термометр Цельсий бўйича –6 даражани кўрсатди. Пасханинг илк яшанбаси Лондон учун сўнгги 25 йил ичида энг совуқ кун бўлган. Сўнгра бу ҳаво оқими Ўрта ер денгизидан ўтиб, Шимолий Африка қирғоғига келди. Бу офатнинг даҳшати Францияда яққол кўзга ташланди. Баҳорнинг ўрта-сида парижликлар илк бор қорни кўришди. Франциянинг қўшниси Германия ҳам қуруқ қолмади. Мамлакатдаги ҳамма федерал ерлар қорга бурканиб, ҳарорат эса кундузи 0 даражадан кўтарилгани йўқ.

Мутахассислар март ойи йилдан йилга ўша-ўша сценарий-га биноан қишни етаклаб келаётганидан ҳавотирда. Метеорологлар ўтган йили, ундан олдинги йил ҳам, ҳуллас, 2003 йилдан бошлаб баҳор совуқлашиб қолганини айтаяпти. Испанияни айтмайсизми, баҳор сўнгги 40 йил ичида илк бор қишга айланди: кўчалардаги автоҳалокат туфайли 49 киши оламдан кўз юмган. Венецияда эса сув сатҳи 105 сантиметр меъёридан ортиқ кўтарилган. Шаҳарда «сарик» оғоҳлантириш — олти балли шкала бўйича тўртинчи даражали хавф эълон қилинди. Худди шу вақтда АҚШнинг Арканзас, Иллинойс, Миссури ва Огайо штатлари сув остида қолиб кетди.

Ҳавонинг кескин совигиши қўшни Қирғизистонда ўрик ҳосилдорлигига зарар келтириши мумкин. Мамлакатнинг фавкуллода вазиятлар вазирлиги ўрик, шафтоли, гилос, олча ва олхўри дарахтлари гуллаб ётган Қирғизистон шимолида совуқ тушиши мумкинлигини хабар қилди. Албания пойтахтидаги кучли ёмғир туфайли канализация сувлари кўчага оқиб чиққани сабаб ҳукумат эпидемия тарқалишидан ҳавотир олмақда.

БМТнинг Халқаро кенгаши 2007 йил эълон қилган ҳисоботида иқлим ўзгаришининг асосий сабабчиси этиб инсон фаолиятини кўрсатган. Ҳужжат 1600 бетдан иборат ва у иқлим ўзгаришини тадқиқ этувчи 600 нафар мутахассис томонидан ишлаб чиқилди.



Ҳукумат янги, аммо...

Покистонда янги ҳукумат қўйилди. Унга барча партия аъзолари уларнинг Миллий ассамблеядаги ўрнига қараб пропорционал равишда жалб этилган. Конституцияга биноан қўйи палата сайловига голиб чиққан партия етакчиси бош вазир сифатида қасамёд қабул қилди. Маросимда амалдаги президент Парвез Мушарраф тузилган ҳукуматга ёрдам бериш ва «ҳақиқий демократия» асри бошланишини ваъда қилди. Конституцияга биноан, Мушарраф 2012, Миллий ассамблея ва ҳукумат 2013 йил охиригача ишлаши мумкин.



Мутахассислар коалиция асосан икки партиядан тузилганини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари коалиция янги бўлгани билан у эскича харакатлашишда давом этиши кутляпти. Ички ва ташқи сиёсат борасида ҳам қандайдир янги йўналиш пайдо бўлиши амри маҳол. Энг муҳим муаммо — терроризмга қарши курашишда армиянинг роли масаласида зиддият юзага келиши мумкин.

Ҳозирда Покистон ҳокимияти унбўрчак — президент Парвез Мушарраф, Покистон миллий партияси (марҳум Бхутто бошчилик қилган) ва Навози Шарифнинг Покистон мусулмон

лигаси партияси шаклида намоён бўлмоқда. Сиёсатчилар ҳар уч томоннинг ўзаро муносабатига баҳо бериб, уни порохли ва соат механизми портлатиш қурлимасига таққослашмоқда. Коалицияга йиғилган ҳозирги ҳамкор партиялар кечагина вазирлик лавозими учун кураш олиб борган ашаддий рақобатчи бўлганни унутмаслик керак. Эслатиб ўтамиз, Беназир Бхутто ва Навози Шариф икки мартадан кетма-кет бош вазир бўлган ва ҳеч бири Конституцияда кўрсатилган муддатгача ўз лавозимида қолмаган. Икки партия ўртасидаги душманлик кайфиятини Парвез Мушарраф бироз юмшатишга ҳаракат қилади. Бир вақтлар Навози Шарифнинг ўлим жазосини сиёсий сургунга алмаштирган Мушаррафни президентлик лавозимидан четлаштиришни мақсад қилган Навозининг унга бир қатор эътирозлари бор. Бу Олий ҳакамни хибсга олиш, 2007 йил декабрида Конституцияга ҳилоф равишда жорий этилган бир ярим ойлик фавкуллода вазият ҳолати, матбуот эркинлиги, фуқаролик ва конституцион ҳақ-ҳуқуқларнинг бўзилишидир. Беназир Бхуттонинг эри асос солган миллий партиянинг эса Мушаррафга нисбатан ҳеч қандай норози-лиги йўқлиги айтилмоқда.

Гулнур СУТОНОВА
тайёрлади.



Шошилинч сессия ўтказилди

Ироқ ҳукумати жума куни танглик вазиятидан қийиш ва Басра шаҳрида ўравонлиқни тўхтатиш йўллари муҳокама этиш учун шошилинч равишда сессия ўтказди, деб хабар беради Рейтер. Ироқ парламентининг вакили Махмуд Машхаданининг айтишича, сессияда ши ва суннийлар партияси вакиллари учрашди. Эслатиб ўтамиз, сўнгги кунларда Бағдод, Басра ва бошқа шаҳарларда «Армия Махди» жангарилар гуруҳи ва ҳукумат қуролли кучлари ўртасида бешафқат тўқнашувлар юз бериб турибди. Натижада ўнлаб киши ҳалок бўлган ва юзтадан ортиғи жароҳатланган. Давлат ташкилотлари фаолият кўрсатмаяпти.

Янги «ўнталик» эълон қилинди

БМТ ахборот департаменти «Дунё кўпроқ билиши шарт бўлган ўнта мавзу»ни эълон қилди, деб хабар беради РИА Новости. Ҳар йили ташкилот инсониятга таҳдид солувчи ва етарлича баҳоланмаётган муаммоларга БМТга аъзо мамлакатларнинг эътиборини қаратиш мақсадида шундай рўйхат тузади. Бу мавзулар долзарблик даражасига қараб ажратилмайди ва барчаси муҳим деб баҳоланган.

Бу йилги «ўнталик»дан бирварақай уч низоли нукта — Афғонистон, Судан(Дарфур провинцияси) ва Уганда жой олган. Низола орасига қиз-зобиллар масаласи ҳам киритилди. Гап мажбуран зобитлик ва жинсий эксплуатация қилинувчи қизлар ҳақида кетмоқда. БМТнинг фикрича, икки хавфли касаллик —

йилига миллиондан ортиқ киши қўрбонига айланаётган безгак ва парранда гриппига Оммавий ахборот воситалари яхши эътибор қаратмаяпти. Қонун ва давлат томонидан ҳимояланмаган 15 миллион киши, яъни низоли нуктада яшовчилар ва қочқо-лар муаммоси ҳам ташкилот томонидан долзарб этиб белгиланган. Шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгаришига одамларнинг кўникиб, муаммога етарлича аҳамият бермаётгани ҳам таъкидланган.



Нега ишсизлик кўпайди?

Жума куни Япония ички ишлар ва коммуникация вазирлиги эълон қилган ҳисоботда мамлакатдаги ишсизлик 3,9 фоизга ошгани маълум бўлди. Риа Новостининг хабарига кўра, бу Япония иқтисодиётидаги турғунликдан дарак беради. Компанияларнинг янги ходимларни ишга олиши қўтилган натижани бермаётгани ҳужжатда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ҳозирда ишсизлар сони 2,66 миллион кишини ташкил этади.

«Дунё соати» бошланди

Тел-Авив шаҳри пайшанба куни «Дунё соати» деб номланган халқаро экологик ташаббусга биноан бир соат давомида тўнги чирокларни ўчириб қўйди, деб хабар беради РИА Новости. Глобал исий муаммосига диққат қаратиш учун жорий этилган акцияни Исроил президенти Шимон Перес бошлаб берди. Тел-Авив мэри эса «ҳеч қачон ухламайдиган шаҳар»нинг рамзи бўлган «Азриэли» осмонупар биносини ҳам электр қувватидан бир соатга узди.

«Дунё соати» тадбирини 29 март куни 200дан ортиқ шаҳар ўтказишни режалаштиргани интернет саҳифасида эълон қилинган. Илк бор бу ташаббус ўтган йил Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган.



Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сирдарё — Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси

қуйидаги ОБЪЕКТЛАРГА ОЧИҚ ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ОБЪЕКТЛАР НОМИ:

ЛОТ-1:

- 1-1. Куvasой шаҳар «Маражапов (Бўстон) зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 1-2. Бувайда туманидаги «Абдусамад» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 1-3. Данғара туманидаги «Аф-КК-7» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 1-4. Бувайда туманидаги «С.Б.К.» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-2:

- 2-1. Охунбобоев туманидаги «Д-86А» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 2-2. Бувайда туманидаги «Аччиққўл» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 2-3. Тошлоқ туманидаги «Д-82А» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 2-4. Риштон туманидаги «Оқ ер — Зоҳидон — Қипчоқ» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-3:

- 3-1. Учқўприк туманидаги «К-2» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 3-2. Бағдод туманидаги «К-8» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-4:

- 4-1. Олтиариқ туманидаги «К-4» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-5:

- 5-1. Бувайда туманидаги «К-5» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 5-2. Кува туманидаги «Жанубий» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 5-3. Ёзёвон туманидаги «Ч-2» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-6:

- 6-1. Риштон туманидаги «Куйи қизил тепа 5-Д-5» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-7:

- 7-1. Ўзбекистон туманидаги «Сўх — Исфара» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

ЛОТ-8:

- 8-1. Бешариқ туманидаги «Марказий» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 8-2. Фурқат туманидаги «ЖК-4» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.
- 8-3. Фарғона туманидаги «КСВ» зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш.

Муддати — 2008 йилнинг 2-чораги.

Буюртмачи: Сирдарё — Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Фарғона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй, телефон/факс: 224-27-75, 224-27-50.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ПОП ТУМАНИДАГИ ЖИЙДАЛИКСОЙ ҚУЙИЛИШ СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИ

Қурилишни якунлаш муддати — 15 ой.
Буюртмачи: Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси,

33-уйда жойлашган 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Телефон: (8 369) 226-46-44, 226-30-18, 226-45-09.

Қурилиш ишлари буюртмачига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Норин — Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси гидрогеология мелиоратив экспедицияси

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик

танлов савдоси эълон қилади:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ККС сиз (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
ЛОТ 2-1	Поп туманидаги «Сирдарё» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш.	61 582 773	90
ЛОТ 2-2	Янгиқўрғон туманидаги «Намангансой» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (1 босқич)	38 221 322	80
ЛОТ 2-3	Чўст туманидаги «Ҳиссарак-Шўрқент» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш.	68 118 229	120
ЛОТ 2-4	Уйчи туманидаги «Чортоқсой» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш.	57 961 759	150
ЛОТ 2-5	Норин туманидаги «Қолғандарё» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (1 босқич)	43 275 363	90
ЛОТ 2-6	Мингбулоқ туманидаги «Қорашаҳар» туманлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (1 босқич)	94 055 655	150

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари буюртмачига Молия вазирлиги қошидаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предмети-нинг 20 фоиз миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчи-си — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй. (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача муҳоаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги му-ддати — оферталар очилиш кунини ва соати.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил-ларда ўтказилади: мелиорация объектлари бўйича — **Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уй, сув омбори объектлари бўйича — Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.**

